

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙОСИЙ-ИЈТИМОЙ ГАЗЕТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2001 ЙИЛ 29 НОЯБР ◆ PAYSANBA ◆ № 141 (26.843)

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

28 ноябрь куни Президент Ислон Каримовга Швейцария Конфедерацияси, Кувайт давлати, Бангладеш Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимизга тайинланган Фавкулда ва мухтор элчилари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги янги вакили Ишонч ёрлиги топширилди.

Таъкидлаш жоизки, Кувайт вакили Валид Аҳмад ал-Кандарий ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги илк элчисидир. Президент уни янги лавозим билан қутлар экан, Ўзбекистон — Кувайт алоқалари ҳали кенг йўлга қўйилмаган бўлса-да, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли жабҳаларида самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорлик учун икки томонда ҳам имкониятлар етарли эканини таъкидлади. Ал-Кандарий Ўзбекистон — Кувайт муносабатларида янги саҳифа очилганидан, бу воқеанинг асосий иштирокчиларидан бири бўлганидан мамнуният иҳор этди.


Швейцария, Бангладеш ҳамда КХДР элчилари Вилгелм Майер, Абдус Салом, Ли Чхор Гван билан учрашувларда мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш борасида атрафлича фикр алмашилди.

Президент Ислон Каримов БМТ вакили Ричард Конройни ушбу шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан муборақбод этиб, дунё сиёсий ҳаётида туб бурилишлар юз бераётган ҳозирги даврда мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги янада муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Р.Конрой халққаро ҳамжамият Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдек хайрли ишдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон ҳукуматидан гоёта миннатдор эканини қайд этди. Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистонда фаолият бошлаган хорижлик дипломатларнинг барчасига ўз миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

■ (ЎзА)

ХАЙРЛАШАЁТГАН КУЗ



■ Абдулгани ЖУМА олган суратлар

МАРКАЗИЙ ОСИЁГА БАҒИШЛАНДИ

Деҳлида «Марказий Осиё: мустақилликнинг ўн йили» мавзусида халққаро семинар бўлиб ўтди. У Марказий Осиё давлатлари мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаш тадбирлари доирасида Калькутта шаҳридаги Мавлоно Абул Калом Озод номли Осиёни ўрганиш институти ҳамда Деҳлидаги Ж.Неру номли университет томонидан ташкил этилди.

Халққаро семинарни Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Р.М.Абхьянкар очди. Тадбирнинг очилиш маросимида минтақа давлатларидан ташриф буюрган вакиллар, Тарихий изланишлар бўйича Ҳиндистон кенгашининг раиси, профессор М.Нараньян, Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Туркия департаменти раҳбари, шунингдек, Марказий Осиё бўйича илмий изланишлар олиб бораётган етакчи ҳинд олим ва мутахассислари иштирок этдилар.

Мамлакатимиз вакиллари — профессор А. Гофуровнинг «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар: 10 йил давомидаги ўзига хосликлар, натижалар ва муаммолар» номли ҳамда хиндустон олим Ф.Тешабоевнинг «Ўзбекистон муносабатлари» мавзусига бағишланган маърузалари зўр қизиқиш билан тингланди. Ушбу маърузалар тадбир иштирокчиларида алоҳида таассурот қолдирди.

Семинарда сўзга чиққан аксарият олимлар ўз чиқишларида Ўзбекистон мавзусига атрафлича тўхталиб, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган ўрни алоҳида эканлигини таъкидлашди.

Халққаро семинар минтақада рўй бераётган ўзгаришлар, кўндаланг турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳамда дўстона алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ ўзаро фикр алмашувларга бой бўлди.

■ «Жаҳон» АА

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ ЭТИБ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 21-Оқилон сайлов округи теграсида 18 маҳалла оқсоқолларининг йиғини бўлди. Олий Мажлис депутати, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори Бахтиёр Асқаров сессияларда қўрилаётган ва қабул қилинган қонун ҳамда қарорлар моҳияти ҳақида сўзлади. Халққаро терроризмга қарши кураш тўғрисида фикр билдирди. Сўнг «Бўстон» маҳалласи оқсоқоли Абдусалом Отаматов, «Илғор» маҳалласидан Аҳмаджон Зокиров, «Чўпон ота» маҳалла оқсоқоли Ҳамид Акбаров ва бошқалар Юртбошимизнинг терроризмга қарши оқилонга сиёсатларини қувватладилар. Йиғинда маҳаллаларда ҳамisha огоҳ бўлиш лозимлиги таъкидланди.

■ Исmoil ИБРАГИМОВ

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

ЎзХДП Андижон шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Шаҳобиддин Ҳайдаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ЎзХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Ушбу лавозимга илгарий Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг котиби вазифасида ишлаб келган Абдулхамид Носиров сайланди. Пленумда ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби С.Раҳимов иштирок этиб, Андижон шаҳар партия ташкилотлари олдига турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди. Шунингдек, пленумда Андижон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Фаниев қатнашди.

■ Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХОДИСА

ПАРВОЗ ТЎХТАТИЛДИ ВА...

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ахборот хизматидан маълум қилишларича, ноябрь кунларида мамлакатимиз ҳаво йўлагидан фойдаланаётган авиокомпанияларидан бири — «Корейн Эйр» одатдагидек Брюсселга қатновни бажараётганда «Тошкент» халққаро аэропортида тижорат хизматидан ўтқач, у парвоз сари отланди. Эндигина кўтарилганда экипаж ўнг томондан қандайдир товушни эшитди. Шунда кўтарилгани тўхтади, яна туриш жойига қайтди. Корейлик мутахассислар бригадаси дастлабки қўриб чиқиш чоғида двигателлардан бирига қўш тушиб қолганлигини тахмин этишди. Бироқ турбинанинг зарар кўрмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун двигателни текшириб чиқиш лозим эди. Бунинг учун масъулиятни шу кечаси новотачилик қилаётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиокомпания-

сининг «Airbus-Boeing» техник хизмат кўрсатиш цехи смена бошлиғи Сергей Алтухов ўз зиммасига олди. У двигателни синчиклаб кўриб чиқди ва носоэликнинг асосий сабабчиси қўш эканлигини аниқлади. Бахтага кўра, барча қисмлар жойида эди, турбинанинг қуракчалари ҳам зиён кўрмаган ва улар шу заҳотиёқ тозаланди. Айтиш керакки, мазкур зарарона иш юксак аниқлик билан ва бор-йўғи 4 соат ичида бажарилди. «Корейн Эйр» техникалари қароб туришгани йўқ, улар ҳам ўз ишларини бажаришди. Лекин ўзбек мутахассислари ёнларидан бўлмаганда, унда Жанубий Кореядан мутахассисларни чақиришга, махсус асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларни келтиришга тўғри келарди. Шу кечасиёқ самолётдаги носоэлик тугатилди ва у парвозни давом эттирди.

■ Алишер РЎЗИЕВ

АФҒОНИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЕЧИКМАЙ ЖЎНАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги матбуот хизматининг берган хабарига кўра, Термизга келтирилган 2000 тоннадан ортиқ инсонпарварлик юкунинг 1500 тоннаси бугунги кунда Афғонистонга жўнатилади. Унинг таркибиде 1239 тонна ун, шунингдек, дори-дармонлар, болалар озиқ-овқатлари, кийим-кечак ва палаткалар бор.

Кўп йиллик уруш туфайли ҳолдан тойган ушбу мамлакатда озиқ-овқат, дори-дармонлар етишмайди, кўпчилик бошпанасиз. Шунинг учун БМТ, ЮНИСЕФ, Қочқинлар ишлари бўйича Олий Комиссари бошқармаси, Жаҳон озиқ-овқат дастури Афғонистонга биринчи навбатда зарур товарлар, айнисса, болалар учун керакли маҳсулотларни жўнатишда.

Афғонистонга юбориладиган юкларни ташкил этиш ва жўнатиш БМТ агентликлари томонидан тақдим этилган жадал бўйича амалга оширилади. БМТ ваколатхонасининг Ўзбекистон Республикасининг юкларни ташкил этиш ва уларни етказиб бериш билан шугулланаётган вазирлик ва идоралари билан ўзаро яқин ҳамкорлиги Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами дастурини муваффақиятли амалга ошириш имконини бермоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати томонидан Афғонистон аҳолиси-га инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда БМТга қўмаклашиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг ушбу ишни мувофиқлаштириш бўйича махсус ҳукумат ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. 14 ноябрь куниде ун, дори-дармонлар, биринчи навбатда керакли бўладиган маҳсулотлардан ташкил толган дастлабки инсонпарварлик ёрдами Амударё орқали Афғонистонга етказилди.

Термиз дарё портида ишлар тартибли ташкил этилгани боис барча инсонпарварлик юклари Афғонистондаги Ҳайратон портига ўз вақтида ва кечиктирилмасдан етказиб берилмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, порт инфратузилмаси катта миқдордаги юкларни қабул қилиш ва сақлаш, у ердаги баржалар эса бир қатнашда 800 тоннагача юкни ўтказиш имконига эга.

Айни пайтда Афғонистонга турли давлатлар ва халққаро жамоат ташкилотларидан келган инсонпарварлик юкларини жўнатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

■ (ЎзА)

ХРОНИКА

КҲНДУЗ ЗАБТ ЭТИЛДИ, ҚАНДАҲОРДА АҚШ ПИЁДАЛАРИ

Демак, хозиргача толибларнинг Афғонистонда мустақам истеҳкомлари бўлиб турган Қўндўз забт этилди.

Шимолий Иттифок қўчаларининг командири Зоҳир Восижнинг айтишича, Қўндўз деярли жангсиз олинган. Толиблар ихтиёрий асир тушишган. Бу маълумотлар генерал Дўстўмнинг баёнотида ҳам келтирилган. Асирга тушаётган толиблар қаторида ёлланма жангарилар ҳам кўпчилики ташкил этади. Шимолий Иттифокнинг расмий маълумотига кўра, забт этиш иттифок мудофаа вазири Фаҳим бошчилигида амалга оширилган.

Ёлланма жангчилар қаторида покистонликлар ҳам бор. Шу боис Покистон раҳбари Парвез Мушарраф АҚШ ва Британияга айнан толиблар таркибидаги ўз фуқароларини ҳимоялаш борасида мурожаат қилган.

Умуман ҳозир ёлланма жангариларнинг тақдири муаммо бўлиб турибди. Маълумотларга кўра, улар Тинч уммондаги Гуаам оролчасига жойлаштирилиши мумкин. Бир пайтлар бу оролда Вьетнам асирлари ва курд қочқоқлари сақланган. Шунингдек, бу ерда АҚШнинг ҳарбий қисмлари ҳам жойлашган. Бироқ, Шимолий Иттифок вакиллари ёлланма жангарилар айнан Афғонистонда суд қилинишининг тарафдори. Бу борада эса дунё ҳамжамияти, хусусан АҚШнинг фикри хозирча бирор ойдинчиқка эга эмас.

АҚШ ўз ҳарбий қўчаларини қанчалик эҳтиёт қилмасин, барибир қурбонлар берилмаслигининг имконини тополмади. Ҳозиргача 39 нафар АҚШ ҳарбийларининг ҳалок бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шулардан 35 нафари бевосита Қандаҳор учун бўлган жангларда ҳалок бўлган дейилмоқда.

Толибларнинг иккинчи ва асосий истеҳқоми Қандаҳор билан АҚШ ҳарбийлари шугулланишадиганга ўхшайди. Чунки, Шимолий Иттифок ташқи ишлар вазири Абдулгани Ҳайдаров баёнот беришича, шимолий қўчалар Қандаҳор учун жангда иштирок этишмайдилар. Фақат ёрдам сўралган тақдирда, командирлар юборилиши мумкин. Албатта, Қандаҳор забт этилишида бошқаларни аралаштирмаслик Пентагоннинг ўз ташаббуси. Чунки, АҚШнинг биринчи рақамли душмани бин Лодин Қандаҳорда эканлиги тахмин қилинмоқда. Бин Лодинни туттиш АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлардаги нуфузини белгилаб беради. Шу боис яқинда Қандаҳор атрофида 1,5 мингга яқин АҚШ денгиз пиёдалари ташланди. Қандаҳордаги пуштин қабилалари АҚШ ҳарбийлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ташаббуси билан чиқшган. Бу АҚШ ҳарбийларининг мушкулни енгиллаштирилади. Биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодинни эса Жалолобод яқинидаги Туро-Бора қишлоғида қўришганини ва у шу қишлоқ яқинидаги горда ўзининг икки мингга яқин қўриқчилари билан ўрнашгани ҳақидаги маълумотлар бор. Хозирча Қандаҳор ва Покистонни боғлаб турган йўналиш забт этилгани йўқ.

Афғонистон келажиги ҳақидаги ташвишлар ҳали ўз долзарблигини йўқотмаган. Хусусан, муваққат ҳукумат тузиш борасидаги конференция Германияда ўтмоқда. Бироқ бу конференцияга ҳукумат учун асосий даъвогарлар Бурхониддин Раббоний ҳам, Зоҳир Шох ҳам фақат ўз вакилларини жўнатишган. Ушбу конференциянинг асосий қисми Кобулда давом этиши режалаштирилган. Шунингдек, Покистонда ҳам Афғонистон инфраструктурасини қўтариш масаласига оид 3 кунлик конференция ўтказиш режада бор.

Хуллас, дунё эътиборида турган Афғонистон муаммоси тез кунларда ҳарбий ҳаракатлар мижаросидан қутилиб, сиёсий жараёнлар касб эта бошлашига яқин қолди.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

АХБОРОТ, ФИКР,
ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон Овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

ФМТ-1

“Ўзбекистон почтаси” Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220**
Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси **220**
Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

п.в	Жойи
-----	------

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

ЎЙФОҚ ФИКР — ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК

(ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК ҲУЗУРИДАГИ «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР КЛУБИ ЙИГИЛИШИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР)

Ёшлар миллат келажаги, юрт истиқболи. Уларнинг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ижтимоий-сиёсий фаоллигига боғлиқ. Мазкур фаоллик эса шунчаки эмас, муайян даражада ривожланишга ҳисса қўшиши керак бўлган фаолликнинг қиймати ва шакли шамойили қанақа деген?

— Ҳа, фақат давлат!.. Ана шу каби савол-жавобларга асосланган сўровномалар тўлдирилди. Экспертлар эса фикрларини билдиришди.

Истаймизми-йўқми тан олиб айтиш керакки, жойларда ёшларнинг бандлиги

ларининг фаолияти сирасига қиради. Тўғри, кўпгина ёшлар вилоятлардан келиб пойтахтда тадбиркорлик билан шуғулланишяпти. Аммо уларнинг бир умр аравақашлик қилишларини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар ким ҳам муайян касб-ҳунар соҳиб бўлганига нима етсин.

Дарвоқе, гап бошида ривожланишга ҳисса қўшиши керак бўлган факторларнинг қиймати ва шакли шамойили хусусида тўхталгандик. Бу шаклу шамойил ёшлар-



ни таъминлаш ҳануз муаммолигича қолмоқда. Меҳнат ярмаркалари ўтказилаяпти. Бироқ тўғриси айтган маъқул, бу ярмаркалар нисбий даражада. Аниқроғи, баъзи бир корхона, ташиқлотларда мавжуд бўш иш ўринлари талабгорларнинг кўнглига ўтирмайди. Негаки, ўша жойда ё ойллик ўз вақтида берилмайди ёки иш ҳақи кам.

Айниқса, қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлаш масаласи анча оғир. Тўғри, излаганлар имкон топапти. Айрим хўжалиқларда янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Аммо бунинг ўзи камлик қилади. Битта, иккита эмас, бизнингча, имкони бор барча хўжалиқларда янги иш ўринлари ташкил этишнинг дастурий режаларини ишлаб чиқиш вақ-

тадбирлар ҳам ўз самарасини бераёпти. Зотан, ёшлар ва уларнинг ижтимоий ҳимояси партиянинг дастурий мақсадларидан биридир.

Собиқ совет даврида «агар мустақил бўлсак, пахтамиз ўзимизга қолади, юртимиз янада бой бўлади», дея орзу қилардик. Ана шу орзу-хавас ҳаққи Президентимиз бошчилигида туб ислохотлар бўлаётган. Ана шу жонбозлик боис ҳақон жамоатчилиги назарида ислохотларни татбиқ этишда «ўзбек модели» деган ибора пайдо бўлди. Қисқа муддатда қанчалар-қанча ишлаб чиқариш корхоналари ишга тушди. Бироқ, бу ҳали оз.

Шунинг учун янги иш ўринлари ташкил этиш жамоатчилигининг, шу жумладан, ХДПдан сайланган депутат ва раҳбар партия аъзо-

нинг ғояси, фикру мулоҳазаси уйғоқлиги билан белгиланади.

Ривожланган айрим мамлакатларда «ғоялар уйи» бор экан. Кишилар, айниқса, ёшлар бу жойга келиб ўз ғоялари ва фикрлари билан ўртоқлашарканлар. Жўяли фикрлар керак бўлса, ўша мутаассиди идора томонидан сотиб олинаркан. Бу яхши, зотан соғлом ғоя миллат келажаги учун хизмат қилади. Ана шу маънода Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клуби негизда «Ғоялар маркази» ташкил этилса ёмон бўлмайди.

■ **Илҳом КАРОМОВ**, «Ўзбекистон овози» мухбири
◆◆◆
Шавкат **АКРАМОВ** олган сурат

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Касби нафақат Қашқадарё вилоятида, балки мамлакатимизда энг кўп пахта етиштириладиган туман. Туманда айрим йиллари 67-68 минг тоннага етказиб пахта тайёрланган. Бироқ кейинги икки-уч йилда ҳосилдорлик пасайиб кетди. Режалар ўдаланмади. Бу йилги қурғоқчилик шароитида оддий пахтакор ҳам, раҳбар ҳам, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам сивовдан ўтди. Минг машаққат билан бўлса-да, тумanning пахта қорвони маррага етиб келди. Ҳўш, бу қутилмаганими?

Октябрнинг охири кунлари. Осмонда кўкмазда зориктирган булутлар гала-гала тўпланган. Хаводан ёмғир хиди келади. Об-хаво маълумотида ҳам ёмғирли кунлар ҳақида хабар берилган эди. Аммо ҳеч ким изғирин, соғин сизирининг елиндай ёмғирга тўлган булутлар ҳақида ўйламас эди. Мингмиглаб теримчилар, улар қатори ҳашарчилар пахтазорларини кезиб, сўнги толарга кўл чўзишарди.

Ҳисоботни ҳам эшитдим. Жами хирмон 62 минг тоннадан ошибди, бу — режа 99 фоиз бўлди, дегани. Яна 800 тонна керак. Қунига 150-200 тонна пахта терилаётган экан. Табиат тантилик қилармикан? Умуман, қолган ҳосил чиқармикан далалардан?

Мен деҳқон оиласида ўсганман. Кўз очиб далани, пахтани кўрдим. Чанг, совуқдан ёрилган, чанқоқ тилган пахтакор қўлларининг азоби менга ҳам бегона эмас. Ўшанда «пахта — халқимизнинг кулфати» деб ўйлардик қўрқа-писа. Бу гун тасаввурлар эмас, меҳнатнинг моҳияти ҳам узғарди.

Бироқ қузнинг бадқовоқ куниди, маррага минг машаққат билан келаятган туман пахта далаларини кезар эканман, кўплаб саволлар кўндаланг бўлаверди. Сув анча мўл йилларда режани ўдалай олмаган туман қурғоқчилик шароитида ишни қандай эплади? Нега хўжалиқларда ҳосил чўғи ва теримда анча тафовут бор?

Масалан, Шароф Рашидов номли ширкатлар уюшмаси 18 сентябрдаёқ шартнома режасини ўдалаб қўйди. Асосий майдонларга дон экиб, ниҳолларни кўқартириб ҳам олди. Ўша кун кечаси сўнги гектарларга дон уруғи ташланаётган экан. — Бу йил деҳқон ҳам, агротехника усуллари ҳам сивовдан ўтди, — дейди ширкат раиси Амурулло Чориев. — Дастлаб 940 гектар майдондан яхши галла олдик. Давлатга 2660 тонна дон сотиб, шартномани ошири билан адо этдик. Кузи донни ҳам экиб олдик. «Чиллаки»,

буён вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалиги мутахассислари гуруҳида раҳбарлик қилиб келди. Бир неча бор сўхбатлашиб, қишлоқ хўжалигида туғилаётган муаммоларни, тўпланган маълумотлар ортидаги ҳақиқий аҳоли яхши англашини пайқаганман. Ҳоким далаларга бошлади. Уст-боши чангга беланишига қарамай, янгилик қўлланилаётган майдонларни курсатар, кам сув ичган гўза туллари қандай ривожланаётганини тупроқни қавлаб, тушутириб беради.

— Техникамиз етишмайди, аммо чора кўраёмиз, — деганди ҳоким «Қашқадарё» ширкати далаларини айланаётганимида. — 25 та ёнилги ташийдиган тракторни қисқарти-

риб, чопиқ тракторига айланттирдик. Мана қара, тракторлар қарама-қарши ишлов бераёпти.

— Бу нимага керак? — ажабланганини аширмайман. — Икки томонлама бирданга чуқур ишлов бериш натижасида гўзанинг илдири эркин ривожланади, — дейди ҳоким. — Ҳўзага бу йил 3-4 мартадан ортик сув беролмаймиз. Шундай экан, усимлик ҳам янтоқ сингари намни изласин. Мана бу майдонлар суоқ аммиак билан озиклантирилган. «Ер малҳами»ни қўллаёмиз...

Ҳоким иқтисодий манфаатдорлик, деҳқон меҳнатини тақдирлаш ва бошқа масалалар қандай хал қилинаётганини ҳикоя қилиб, Шароф Рашидов номли ширкатлар уюшмасининг доғдор бош пудратчиси, Ўзбекистон Қарамони Ғайбулла Раҳмонов даласига йўл бошлади. Барваста, олти-мишдан ошса-да, ҳали бардам Ғайбулла ака очик чехра билан кутиб олди.

— Ҳаётимнинг энг унутилмас кунни мендай оддий деҳқонга Ватанимизнинг юксак мукофоти топирилган кундир, — дейди Ғайбулла ака тўлқинланиб. — Президентимиз юксак мукофотни топираётган дамда тилимга гап келмайди десангиз. Меҳнати қадрланган




ард сўм даромад қилсак, шунинг 200 миллион сўмдан ошиғи соф фойда бўлади.

Ҳа, бу катта маблағ. Яна асосан пахтадан. Мен раис билан хайрлашиб, яна далаларни айланар эканман, саволларга жавоб излай бошладим. Шунда айни саратонда туманда бўлганимни эсладим. Ана шу деҳқоннинг айни энг қийин палладаги ишлари ва кузги хирмон натижасини ўзаро таққослаш имконини берди.

Маълумки, вилоятнинг янги ҳокими амалга ошира бошлаган ишлар ерни чуқур хайдаш, ўз вақтида экиш, сувдан унумли фойдаланиш ва раҳбар кадрлар танлашга қаратилган эди. Масала кескин қўйилди: ташаббус кўрсата олмайдиган, янгиликка интилмайдиган, хуллас, ишни эпполмайдиганлар четга чиқиб турсин. Иш бошига янги раҳбарлар кела бошлади. Менимча, бу одил, аммо қатъий сиёсат эди. Истиқлол тўғрисида юртимизда ҳокимлик бошқаруви жорий этилгандан буён вилоят туманларида кўплаб раҳбарлар ишлаб ўтди. Фақат Касби туманида иккинчи бор ҳоким алмашди.

Туманга келганимда янги ҳоким Халил Соатов иш бошлаганига бир неча ой бўлганди. Қирқ тўққиз ёшни қоралаган Халил ака раис бўлиб ишлаган, бир неча йилдан

■ **Юнус УЗОҚОВ**, «Ўзбекистон овози» мухбири



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар



Наманган вилояти Поп туманидаги 12-корхонада сазловчи, чилангар, электрик, аккумуляторчи каби уста ва мутахассислар учун қулай шароит яратилиб, зарур асбоб-ускуна, ахтмиёт қисмлар етказиб берилмоқда. Ҳозирда корхонанинг 260 нафар хайловчиси туман дон маҳсулотлари корхонаси, «Поп-Фен» ўзбек-турк қўшама корхонаси, кўплаб қурилиш ташки-

миллон 810 минг сўм ортиқдир.

— Корхонанинг 3 та автобуси дизел ёнилмаси билан ишлаш учун мослаштирилган, яна 7 тасини мўлжаллаб турибмиз. Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун келгусида 20 миллион сўм кредит олоқчимиз, — дейди корхона раҳбари Холматжон Содиқов.



Шоҳиста машина ойнасидан ташқарига термулганича бораркан, қишлоққа яқинлашаётганидан юраги ҳапқирар, нимадандир чўчир, яна бўлғуси дашномлар ҳақида ўйларди. Нима бўлса бўлди. Ахир, ўн беш йил ўзи ўсган қишлоқ унга бегонами? Бугун тўй баҳона тавоққал қилса, ким унинг кўксидан итаради? Ақасими, янғаси-чи? Улар аллақачон унуттишган, йўқлашмайди ҳам. Онасининг таъзиясига келганида ҳам ҳеч ким унга эътибор бермади. Ёнди, куйди, ўз ёнига қовурди, адо бўлди — бирор кимса парво қилмади. Ҳаммасига ўзи сабабчи-да.

чини деб. Унинг оиласи бўлса ҳам севадди. Шу боис кўнглини жилволай олмади, ўртала-ридаги муносабат сирлигина қолсин дея бўйида бўлганини олдириди. Кейинчалик хато қилганини тушунди. Уни Раҳмон дўкончиникига элтиб ташлашди, энди сендай жигаримиз йўқ дейишди.

Раҳмон дўкончи шаҳардаги уйига Шоҳистани жойлаштир-


қилгани, орзуларини Раҳмон дўкончининг чиниворларига алмаштирганда ҳам тақдири бундай аянчли бўлишини ўйламаганди.

Шоҳиста Аҳмад даллолнинг учинчи қизи эди. Даллолнинг иккита хотини бўлиб, улардан бир этак болалар дунёга келган. Ҳар яқинба Даллол бозордан хуржуннинг икки қўзини тўлдириб, аввал кенжа хотининикига, сўнгра каттасиникига келар, ҳаммасининг улушини тенг тақсимларди. Икки ховлига ўрганиб қолган болалар эса биридан зада бўлишса, иккинчисиникига қочарди. Даллол, болаларни худо берган, ризикни ҳам ўзи беради дея фарзандларини ўқитишни ўйламаганди. Мошотани яхши кўргани учун бирор тўйдан қолмас, хоҳлаган вақтда, хоҳлаган ишини қиларди. Болалар оталарининг одатига ўрганиб қолишгани учун оналарига бўй беришмасди. Шоҳистанинг «қўзи эрта очилиши» ҳам шундан. У энди бунинг фаҳмига етди-ю, фойдасини кўрмади.

Ақасининг ҳам тоғани бошига бало бўлди. Янғаси Мухайёхон гах деса ақаси қўлига сўқнади. Эшитишича, бугун у фолбиллик қилаётганимиш. Эрини ҳаммадан совутган, кўни-қўшнилари билан тескари қилган ҳам шу жодугар! Ҳаммадан Шоҳистани Раҳмон

Қаландарободга шом чўққан, қишлоқ кўчалари анча сокин. Кузнинг шамоли этни жунжиктиради. Шоҳиста ўзига таниш ховли олдига машинани тўхтади. Қаршидаги дарвоза зулфи син билан боғлангани, теварак-атрофни тикан қоплаганини қоронғида ҳам кўрса бўларди. Шундоққина ўнг томонда эса янги ховли. Ақасининг ховли қурганини эшитганди. Аммо Шоҳистанинг кўзига бу кўринмас, ўша киндик қони тўқилган, болалиги ўтган эски ховлига интилар, ўтишини эсламасликка уринарди.


Ҳеч ким кўринмади, бутун қишлоқ аммасиникидаги тўйга кетган чамаси. Кучини қўлга олиб, ўрнидан турди. Дарвоза занжирини қилдирилди, ечиб, ичкарига кирди, оёғи қўма ботанчдек бўлди. Пешайвонли уйнинг дарвоза ойналарини синган. Айвон бурчақлариди эски сўрининг тахталари




кўпчиб чиққан. Деворга онаси илиб қўйган чироққа кўзи тушган Шоҳистанинг кўнгли ровшонлашди. Уйга кирди. Эшик олдига сувоқли печ уни яна ўтмишга етаклади. Эсида, ўшанда ҳам кўзидан охири эди. Ана шу уйда уни онаси, ақалари хўп саволашганди. Ҳаммадан Шоҳиста чидоганди. Раҳмон дўкон-

APLOVIT OZIŞ VA QADDI-QOMATNI YAXSHILASH UCHUN TABIIY OZIQ-OVQAT QUSHIMCHASI NEW APLOVIT — HAËT MANBAI! BUNGA QURBINGIS ETADI ORTIQCHA VAZDAN QUTILING, HAËT KUVONCHI VA UZINGISGA IŞHONCHNI HİS ETING! BIRITALIKDA OZAYLIK! Işlab чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED» қўшама корхонаси Телефон: (998-71) 199-56-43

ЗАМИНУ ЗАМОН



ИСБОТ ТАЛАБ КИЛИНМОҚДА



АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқ ҳукуматини БМТ мутахассисларининг маълумотида киришга рухсат беришга чақирди. Ироқ ҳукумати мамлакат оммавий қирғин қуроли яратиш устида ишламаётганини исботлаши лозим, деди Жорж Буш. Шунингдек, у шундай қурол яратиш пайида юрган ва террорчиликни қўллаб-қувватлаётган ҳар қандай давлат муқаррар жазоланма, деди.

УРУШ ВА ЖУРНАЛИСТ

Афғонистоннинг Толуқон шаҳрида Швеция телевидениеси оператори Улф Стремберг отиб ўлдирди. Хабарларга қараганда, журналистлар жойлашган бинога қуролланган кишилар бостириб кирган ва мухбирлардан пул талаб қилган. Шойинчида улар қўшни хонада турган Улфни отиб қўйган.


Афғонистонда ҳарбий операция бошлангандан буён у ерда жами саккиз нафар журналист ҳалок бўлди.

МУНОСАБАТЛАРГА КИРИШИЛДИ



Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг таъкидлашича, «Ал-Қаида» раҳбари Усама бин Ладин ҳамон Афғонистонда яшириниб юрибди. Покистон чегаралари ишончли қўлларга топширилган ва ҳеч ким ноқонуний йўл билан бизнинг ҳудудга ўтолмайди, деди президент. Шунингдек, у расмий Ислмобод Биришган аксилтобловчи фронт раҳбарлари билан муносабатларни мустақамлашга киришганини маълум қилди.

АВВАЛДАН МАЪЛУМОТ ТЎПЛАНАДИ



АҚШ олтимишга яқин мамлакатдаги авиакомпанияларга мурожаат қилиб, Америкага келувчи йўловчилар ҳақида олдиндан тўлиқ маълумот тақдим қилишни сўради. Бундай маълумотлар террорчилик ҳаракатлари олдини олишга катта ёрдам беради, деди мамлакат боқжона хизмати раҳбари Роберт Боннер.

БОЛАЛАРГА ЁРДАМ



БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) дунё давлатларини Афғонистон болаларига шойинчи ёрдам кўрсатишга чақирди. Аке ҳолда қишда очлик ва турли юқумли касалликлар нуфайли юз минг нафар бола нобуд бўлиши мумкин, дейилади мазкур хабарда.

нинг эркинлигини, юртининг тинчлигини ҳимоя қилишга қудрати етарлилигини ҳорижлик мутахассислар ҳам эътироф этмоқдалар...» деган қатъий сўзлари ўшанда, бундан 3 йил олдин халқнинг кўнглига таскин бўлганди. Одамлар қалбига ваҳм ўрмалашга ўрин қолмаганди. Хар қандай ҳолатда ҳам халқнинг юрагида ишонч уйғотиш, тушқунлик кайфиятидан халос этиш Президентимизнинг Оллох инъом этган улугъ фазилатларидан бири. Шунинг учун ҳам бу одамга халқ ишонди. Шунинг учун ҳам бу одамнинг изидан халқ эргашади.

1998 йил 28 августда Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида нутқ сўзлаган Президент Ислам Каримов яна бир марта Афғонистондаги қалтис вазиятни тўғри баҳолаб ўтди. «Вазият шундай чин. Зиддият назорат қилиб бўлмайдиган даражага етиб қўшни давлатларга ҳам ўтиши мумкин. Уруш оловининг тафтини Ватанимиз чегараларида шундоқ сезиб турибмиз», — деди Президент. У нутқи давомида давлатимиз раҳбари Афғонистонда барқарорликка эришувининг барча мақбул йўллари ни санаб ўтганди. Бу нафақат ўзбекистонликлар, балки бутун дунёга қарата қилинган мурожаат эди. Айниқса, Ўртбошимиз бундан уч йил олдин мазкур сессияда сўзлаган нутқи бугунги ҳаётимизда ўз аксини топаётгани, у киши доимо узқиниб кўриб сийсат юргизишини исботлайди: «Афғонистоннинг келгуси тақдири учун жаҳон ҳамжамиятининг масъулияти янада ортади. Ана шу нуктага назардан қараганда, можарони ҳал этиш борасида Ўзбекистон олға сурган тақлифлар энг мақбул йўл бўлиб қолмоқда. Мен бу ўринда, аввало Афғонистон билан бевоСИта чегарада давлатлар, шунингдек «6+2» шакли доирасида БМТ раҳнамолигидаги сый-ҳаракатни назарда тутмоқдам», — дейди Президент.

Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Афғонистондаги кескинлашган вазият юзасидан Баёноти» эълон қилинди. Худди шу кун БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам афғон можароси сийсий тамойилларини белгиловчи резолюция қабул қилди. Умуман олганда, Президентимиз ташаббуси билан кейинги уч йил ичида халқаро доирадаги йиғилишларда Афғон урушини тўхтатиш мавзусида қилган уринишлари дунё миқёсида кенг қўламага эга бўлганлигини теран таҳлил қиляпмиз. Хар бир сый-ҳаракат замирида оламни олдинги ҳавфдан оғоҳ этишга уринган, қандай қилиб бўлмасин Афғонистондаги уруш оловининг ўчиши тарафдори бўлган юртимиз раҳбари, айниқса, 1999 йилнинг 18 ноябрда ЕХТнинг Истанбул саммитида сўзлаган нутқида халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кўтариб чиқди. Президентимизнинг «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарован ҳаёт — пировард мақсадимиз» деган китобидан ҳол олган мазкур саммитдаги маърузадан қуйидагиларни ўқиймиз:

«Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиб мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билан эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим.»

Шу билан биргаликда 2000 йилнинг 22 январда иккинчи чақирқўз ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси орқали Ўртбошимиз Ўзбекистон ташқи сийсатининг устувор йўналишларини белгилаб берар экан, халқимиз диққат-эътиборини Маказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, кўп йиллар давомида қўзғилиб келаётган афғон муаммосига қаратди. «Хавфсизликнинг бўлинимас ва яхлитлиги ҳақидаги бош принципга таъйин, Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш, Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тинчликни издан чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича бу муҳим масалага халқаро тузилмаларнинг эътиборини ошириш борасидаги тақлифларимизни амалда жорий этиш йўлидаги сый-ҳаракатларни давом эттириш даркор», деб таъкидлаб ўтди давлатимиз раҳбари.

2000 йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг «минг йиллик саммити»да ҳам Президент маърузасининг ўзагини Афғонистонда содир бўлаётган қирғин, нарқобизнеснинг кенг тарқалишига қарши кураш, халқаро терроризм солаётган таҳдидлар билан боғлиқ масалалар ташкил этди. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг маърузаси саммит иштирокчиларининг диққат-эътиборини тортиди. «Ишончим комилки, биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина улар қарши туришимиз мумкин.»

Бу кучлар кимёвий, биологик ва бошқа оммавий қуролларни қўлга киритса, дунёда қандай вазият юзага келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин...»

Шундан кўриладики, бугунга қадар Ўзбекистон дунёни Ер қурасининг энг хавфли ҳудуди ва инсониятга сўнгсиз қулфатлар келтирувчи асримиз вабоси — терроризмдан оғоҳ қилиб келди. Бундан ташқари 2000 йилнинг 19 октябрда Тошкентда «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш. Наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга ёндошиш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда машхур олимлар, экспертлар нутқ сўзлади. Конференция қатнашчилари Тошкент декларациясини қабул қилдилар. Шунингдек, 2000 йилнинг 15 декабрда МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг Минскда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон Президентлари иштирокидаги уч томонлама мулоқотда ҳам давлатимиз раҳбари минтақада тинчликни сақлаш борасида Ўзбекистоннинг ўз қараш ва ёндошувларини баён этди.

2001 йилнинг 15 июнь кун Шанхай саммитига таширф буюрган делегацияларнинг кенгайтирилган тартибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Президентимиз нутқ сўзлади: «Шанхай ташкилотини тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга, шунингдек, биринчи навбатда халқаро террорчилик, диний экстремизм, миллий айирмачилик ва нарқобизнес каби минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хатарга қарши пухта ўйланган ва самарали курашга йўналтирилган кўп томонлама ҳамкорлик механизми деб биламиз.» Ўртбошимиз бу билан мазкур саммитнинг ахамиятини кенг жамоатчилик кўз ўнгида таъкидлаб ўтган эди ва унинг елкасидаги масъулиятни яна бир қарра эсга олган эди.

Шунингдек, саммитда террор, экстремизм, айирмачилик ва нарқобизнес бир-бирдан айри муаммолар эмаслиги, наркотик моддалар савдосидан келаётган миллиардлар долларлар эвазига кўпурчилик ёлланаётгани таъкидланди.

Мақоламиз якунида Тошкентда 1999 йилнинг 16 февраль воқеалари содир бўлган чоғда Ўртбошимизнинг республика Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқидаги бир гап ҳаттилимизга келди.

Ўртбошимиз ўша машўм воқеа содир бўлган кунга катта минбарда туриб шундай деган эди:

«Мен ўйлайманки, аввало жорай ҳаёт мазмунини ўйлаб яшаган одамлар бахтли...»

Ҳақ гап. Халқнинг ардоқли раҳбари, буюк сийсат арбоби Ислам Каримовнинг ҳаёти инсоният иқболи, халқи келажаги, ер юзюда тинчлик галаба қилиши учун тиним бермай курашиб келаётгани учун ҳам мазмунидир. Бунки белгисиз насллар ҳам ҳеч қанон унутмайди.

муҳрланган эди. Келажақ асрни тинч, осойишта, халқимизни бус-бутун, юртимизни юксалиш поғонасида қуриш, доимо Ўртбошимизнинг улугъ нияти бўлиб келган. Бу ният ер юзюда инсоният бахтли яшаши керак, деган буюк истакка ҳамоҳанг эди. Шунингдек, 1997 йилнинг 22 августда Бухоро нефтин қайта ишлаш заводи ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган халқаро тақдирот маросимидан сўнг Президент Ислам Каримов мамлакатимиз ҳамда хориж оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган матбуот конференциясида шундай фикр билдиради: «Ким-ки, бирон этник ёки миллий гуруҳ, диний оқим бутун Афғонистонда ҳукмронлик ўрнатмаган деса хато қилади. Шунинг учун барча гуруҳ ва партиялар, биринчи навбатда «Толибон» ҳаракати бундай даъводан воз кечиши керак...» Афғонистонда барқарорликка эришувининг асосий йўлларида бири бундан 4 йил илгари бехато айтилганлигини, бу гаплар Афғонистонга нисбатан, бугунги сийсий вазиятга нисбатан тааллуқли эканлигини зукко ўқувчи англаган бўлса керак.

Америкалик улугъ адиб, Нобель мукофотининг совриндори, ижодининг асосий мазмунини уруш ва инсон мавзусига бағишлаган, инсоният учун энг улкан фоҳиша уруш эканлигидан дунёни оғоҳ этишга уринган Эрнест Хемингуэйнинг «Инсонни энгиб бўлмайдми» деган гапи бор. Ўз эътиқодига собит, гоё ва маслақларидан кайтмайдиغان, айниқса, тинчликнинг барқарорлиги учун оёққа қалққан инсонларга нисбатан айтилган ушбу фикрда давлат тепасига келган кезлариданоқ дунёда осойишталик, миллатлар бахт-саодати тушунчасини бошга тож қилган Ислам Каримов сингари шахслар назарда тутилган деган ўйга келаемиз.

У том маънода тинчлик яловини азот кўтарган сийсатчига айланди.

Жаҳон афкор оммаси Ўзбекистон халқининг ишончли Президентини олиб бораётган одил сийсат туфайли улкан муваффақиятларга эриша олиши мумкинлиги, қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон гуллаб-яшнаган давлатлар сафидан ўрин олишига ишонди. 1997 йилнинг 15-16 сентябрда Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли зона» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 56 та давлат ва 16 та халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этди. БМТ, Европа Иттифогини, «Ядро клубини», Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХТ), Ислам Конференцияси Ташкилоти, Шимолий Атлантика Фарбий блоқи (НАТО), Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ), Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш бўйича агентлик (ОПАНАЛ) сингари халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашган ушбу анжуманда Ўртбошимиз нутқ сўзлади: «Биз Марказий Осиёдаги ташқарида юз бераётган воқеалардан узилиб қолганимиз йўқ. Биз — инсониятнинг бир қисминиз, дунё эса яхлитдир. Биз бошқа давлатлар билан бир қаторда сайёраимизнинг барча бурчакларида инсонларнинг қафолаштирилган тинч ҳаёт кечирадиган вақтини тезроқ яқинлаштириш учун тинчлик ўрнатиш йўлидаги бун-

Advertisement for 'Tinchlik Yulida' (In the Path of Peace) featuring portraits of Azim Suyun and Kuchkor Norqobil. The text includes 'Azim SUYUN, Kuchkor NORQOBIL' and 'ТИНЧЛИК ЙУЛИ ИККИНЧИ МАҚОЛА'.

ёдкорлик жараёнида иштирок этишни истаймиз», — дейди Президент. XXI асрда жаҳоншумул Тинчлик моделини идрок этиш инсоният учун муҳим босқич эканлигини таъкидлаган Ўртбошимиз, худди шу бугунги кунларда ҳам башариётангилари лозим бўлган мавзуга ишора қилганди. Мазкур анжуманда сўзлаган нутқда асосий ташаббусга ургу берилди: «Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши — Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома доирасида белгиланган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда Марказий Осиё минақаси давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишининг умумий тартибига фаоллик билан қўшилишга иштирокчи бўлиши керак...»

1997 йил 9 декабрь кун эса БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида «Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш» тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Бу сийсий жиҳатдан жуда муҳим ахамиятга молик ҳужжат эди. Тан олиш керак, Тошкент Марказий Осиё ҳаёти билан боғлиқ халқаро анжуманлар ўтадиган шаҳарлардан бирига айланб бори, 1997 йилнинг 22-25 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган ЕХТ Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган Бюросининг мажлиси ҳамда Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик, сийсий, иқтисодий, ижтимоий ва инсонпарварлик масалалар семинари қатнашчиларига йўлланган мактубида ҳам Президентимиз ўз қараш, орзу ва истакларини аниқ-тинч баён этганини кўрамиз. «Анжуманингизда муҳокама этилаётган муаммолар биз учун ҳам жуда муҳим ахамиятга эга бўлиб, биргаликда ҳаракат қилиш билангина хавфсиз дунё ва адолатни, тинч-тартибни қарор топтириш мумкинлигини барча англаб етаяпти», дейилади мактубда. Ўртбошимиз хар гал тинчликни мустақамлаш учун дунё халқларининг бирдамлиги зарур омил эканлигини ўқитиб келди.

Шуни айтиб ўтишимиз жоизки, мамлакатимиз Президентини жаҳон ҳамжамияти, нуфузли мақомага эга халқаро ташкилотлар кўмагида агар Афғонистонда тинчлик ўрнатилса, бу мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўнлавиши учун энг асосий йўналиш нимадан иборат эканлигини 1997 йилнинг декабрида Тошкентда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хориж ва мамлакатимиз матбуоти ахли билан бўлган учрашувда айтиб ўтганди. Яъни, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликдан сўнг, бу ҳудудга етакчи мамлакатлар ҳамкорликда магистрал йўллар барпо этиш мақсадга лойиқ, деган фикрни илгари сурганди. Мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги ташаббуси БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳамда ЕХТ, Европа парламенти томонидан қўллаб-қувватланган бир пайтда бу гоёнинг ўртага ташланиши табиий эди.

1998 йилнинг 6 майида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг қўшма баёноти қабул қилинди. Унда хар иккала томоннинг Афғонистондаги хавфли вазиятдан жиддий таъшишдаллиги айтиб ўтилди. «Диний экстремизм ва терроризмнинг тарқалиши, қурол ва нарқобизлик контрабанда-сининг ўсиши, қочқоқларнинг қўпайиши хавфини тўғриради-дан бу мамлакатдаги кескинлашган янада ўсиши минтақа давлатларининг миллий манфаатларига ва хавфсизлигига таҳдид қилади», дейилади баёнотда.

Айниқса, 1998 йилнинг август ойида Афғонистондаги вазият кескинлашиб кетди. «Толибон» ҳаракати мамлакатда кенг қўламли уруш олиб борди. Улар Шимолий Иттифок қўшинларига қақшатқич зарба берди. Шимолий Иттифок қўшинлари назоратидаги Пулхумар, Болгон вилоятга қарашли Наҳрин шаҳри ҳамда Хайратон бандаргоҳини босиб олди. Ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизнинг жанубий сарҳадлари ўша кезларда жиддий хавф остида қолганди. Қобул ва Қандаҳордан «Толибон»ларга қўшимча қуроли кучлар келиб қўшила бошлаганди. 15 август кунёқ Ўртбошимиз Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳрига етиб келди. Шу ердаги аҳолининг кўнглига-таскин берди, мамлакатимиз сарҳадлари мустақам эканлигини айтиб, кишилар кўнглига далда берди. У «Дўстлик» кўпригидан туриб, нариги соҳилни — «Толибон»лар эгаллаб олган ҳудудни кузатиди. Соҳилнинг нариги томони уруш, жанг-жадал, соҳилнинг бу томони эса тинчлик — одамлар меҳнат қилишмоқда, яратувчанлик билан банд. Айниқса, Президентимизнинг «Қудратли ҳарбий кучларимиз оддий армия эмас, керак бўлса, халқи-

Шундан сўнг, 26 июнь кун эса АҚШнинг Миллий матбуот клубида ўтказилган матбуот конференциясидаги маърузасида эса Президентимиз Американинг ишбилармон доиралари, банкилари, фирмалари, компаниялари билан хар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, Америка бизнеси ва инвестициясини Ўзбекистонга киритиш лозимлигини айтди. Иккинчидан, Ўзбекистонда сийсий, демократик ислохотларни ривожлантириш, Ўзбекистондаги демократик кадрларни мустақамлаш билан боғлиқ Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлик масалалари хусусида фикр алмашиши зарурлигини баён қилди. Учинчидан эса Марказий Осиёда барқарорликни сақлаб қолиш, нарқобизнесга, террорчиликка ҳамда экстремизмга қарши кураш муаммолари, минтақавий ва халқаро хавфсизлик, ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратилди. «Афғонистондаги кўп йиллик низолар ҳозирги вақтда минтақадаги нозик барқарорлик учун асосий хавфдир ва янги асрда жаҳондаги вазиятга таъсир кўрсатадиган глобал портлажга родини ўйнаши мумкин», — деган жиддий фикрни айтиб айна пайтда Вашингтондаги юксак минбардан туриб, 1996 йилнинг 26 июнида АҚШ ва дунёни олдиндаги хавфдан оғоҳликка чақирганди. Президент ўз нутқини давом эттириб қуйидаги гапни айтганди: «Бундан бир йил аввал (1995 йил назарда тутилган — тах.) Ўзбекистон низо зонасига қурол-яроғлар етказиб беришга қатъий халқаро таъқиқни эълон қилишини тақлиф этди. Шундан кейин Европа парламенти ва БМТнинг Афғонистон бўйича қабул қилинган резолюцияси, АҚШ Конгрессида ушбу масала бўйича ўтказилган мунозаралар халқаро ҳамжамият бундай қоранинг муқобили йўқлигини англаб етганидан далолат беради.

Умид қиламанки, БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажақ 51-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғни етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги тақлиф ўз тасдиқини топади...»

Уша йили мамлакатимиз Президентининг АҚШга қилган таширфи самарали кечди. У ерда иқтисодий юксалишнинг негизи саналган қўллаб-тарқовлар раҳбарлари ва ишбилармонлари билан Техас штатининг Хьюстон шаҳри ҳамда Колорадо штатининг Деневр шаҳридаги учрашувлар, халқаро ахамиятга молик конференцияларда Ўртбошимиз маърузаси, ўзаро фикр алмашувлар туфайли ижобий натижаларга эришилди. Шу муносабат билан Тошкентдаги чет эл дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари учун 1996 йилнинг 5 июлида ўтказилган брифингда Президентимиз АҚШга таширфи натижалари муваффақиятли кенганини таъкидлаб, йиғилганлар эътиборини яна тинчлик мавзусига қаратди: «Афғонистонда уруш бўлаяпти. Агарда қарама-қарши томонларни ҳеч ким қўллаб-қувватламаганида ва қурол етказиб бермаганида ўз вақтида СССР ва бошқа мамлакатлардан келтирилган қурол-яроғ ресурси аллақачон тугаган бўларди...»

Ўртбошимиз Афғонистонга қурол олиб кирилишини тўхтатиш масаласини илгари сураркан, бу хусусида Эрнот ва Покистон раҳбарияти билан музокаралар олиб борганини эслаб ўтишимиз жоиз. Бу масалада Ашгабадда Афғонистон Президенти Раббоний билан ҳам суҳбатлашган эди. Мамлакатимиз раҳбари учрашув чоғида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига қўшилиш истагини билдирган барча Европа мамлакатларидан миннатдорлигини изхор қилганди. Уша йили, яъни июнь ойида Ўзбекистон билан НАТО ўртасида 1996-1998 йилларга мўлжалланган индивидуал ҳамкорлик дастури тайёрланди. НАТО билан «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Халқ ишончини юксалтириш, хар қандай вазиятда юртимиз сарҳадларини ҳимоя қила билиш қудратига эга қуроли кучлари мавжудлигини таъкидлаб, одамлар қалбига катъий уйғотиб, истиқлол йўлидаги яратувчанлик иштиқини сундираган Президент Ислам Каримов озод Ўзбекистон тарихининг суронли йилларида сабр-тоқат билан халққа раҳнамолик қилди. Ватанимизни дунёвий тараққиёт эшиги томон бурди. Агар юрт давр уммонида сузётган кема десак, бу кеманинг чамбаргаги ишончли қўлда эди. Замоннинг турфа буронлари бирла кўтарилган тўфон бу кемани ўз манзилдан қайтаролмасди. Ўзбекистонини Фарб билан, бутун дунё билан, тинчлик, иқтисодий воситачилик йўли билан боғлаш, Ўзбекистонни буюк давлатлар сафига олиб чиқиш Ўртбошимизнинг асосий қўзлаган мақсади эди. Битта фактга эътибор берайлик: 1996 йил Москвада чоп этилган «Новое время» журналининг 45-сонини. Журнал мухбири Аркадий Дубов берган «Афғонистондаги вазият ҳақиқатан ҳам МДХ жанубий чегараларидаги барқарорликка хавф солаётганими?», деган саволга Президент Ислам Каримов шундай жавоб беради: «Ҳозирги кунда шаҳсан мен учун, халқимиз учун асосий муаммо — мустақилликни сақлаб қолиш ва мустақамлашдир. Бизнинг мустақиллигимиз ва ислохотларимизга қандайдир хавф вуждуга келаётган бўлса, бу хавфини қандай кучлар билан бартараф этиш тўғрисида ўйлаб бошлаймиз.

Толиблар муаммоси кеча пайдо бўлгани йўқ, улар тўғрисида икки йилдан буён гапирилмоқда. Лекин уларнинг Қобулга эгзаллиши, Афғонистон шимолига голибона юриши, ўзига ортиқча бино қўйган кишиларнинг ман-манлик билан берган баёнотлари хар қандай чегарадан чиқиб кетмоқда. Улар ўз таъсирларини Афғонистон чегарасидан ташқарида ҳам ўтказишни ўйлашаётгани ҳақидаги, айтишимиз мумкинки, сурбетларча қилаётган баёнотлари хаддан ошиб кетмоқда...» Президент ўша кезлардаёқ «Толибон» тўдасининг разилиги, қалтабинлик билан сийсат олиб бораётгани, Афғонистонда халқ бошқаси мисли кўрилмаган офатлар солаётгани етмагандай, чегарадан ташқарида ҳам ҳаракат қилишга, қирғин-барот бошлашга уринаётганини дадил айтиб, бу ўринда ўз позициясини баён этган эди. Бу одамдаги хушёрлик, сийсий жиҳатдан олсини кўра билишлик, энг муҳими, қийинчиликлар олдида довдираб қолмаслик фазилати нафақат ўзининг, балки Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда обрўси юксалишига сабаб бўлди.

1996 йил 3 декабрь кун Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари учрашувида Президент Ислам Каримов XXI асрда хавфсизликнинг янги моделини ишлаб чиқиш, бутун дунёда тинчлик ўрнатиш гоёсини қўллаб-қувватлаб нутқ сўзлади. Президент ЕХТ масъулияти фақат Европа доираси билан чегараланиб қолмаслигини билдирди. Ташқаридан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиш мумкинлигини таъкидлади. ЕХТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтириш лозимлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Европа хавфсизлигига ҳам этник, минтақавий можаролар, давлатлар ичидаги таъовузкор миллатчилик ва урушқў сепаратизм раҳна солиб турганлигини қайд этди. Афғонистондаги можарони тўхтатишнинг, бу хавфини ташқарига чиқиб, қучайиб кетмаслигининг бирдан-бир йўли Афғонистонга қурол-яроғ олиб кирилишини таъқиқлаб қўйиш эканлигини яна бир қарра айтиб ўтди. 1996 йилнинг 27 декабрда Тошкентда дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда ҳам Президентимиз минтақа хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратди.

«Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не сир-синоатимиз, қаёққа қараб етаяпмиз? Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?», — деган саволларга жавоб бўлажақ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида дунёда тинчлик ва осойишталикка алоҳида ургу бериб, Президент шундай дейди: «Янги минг йилликка йўл очиб борар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзамиз. Хавфсизлик, барқарорлик ва собитдаам ривожланиш деган сўзлар бунинг рамзидир. Чунки, айнан ана шу тушунчалар хар бир мамлакатнинг, хар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, раванқа учун мустақам пойдевор яратади. Сайёрамизда жүрғоқий-сийсий мувозанатнинг ажралмас шарт бўлиб қолади. Бу хар бир инсонга келажақка дадил ва ишонч билан қараш ҳуқуқини беради...» Бу га

INTER-SPORT

ҚИТЪАЛАРАРО
КУБОК СОҲИБИ

Мюнхендаги «Бавария» жамоаси футболчиларининг омади келди. Улар Токиодаги «Национал» ўйинида, 50 минг томошабин шохидлигида Аргентинанинг «Бока Хуниорс» футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Га-лаба келтирган тўпни учра-шувининг қўшимча вақти 20-да-қиқасида Гани Самюэль дар-возага йўллади. «Энди биз жа-ҳондаги энг яхши жамоалар-дан биримиз», — деди «Бавар-рия» дарвозабони Оливер Канн.

УЧ МИЛЛИОН
ДОЛЛАРНИ
КЎЗЛАБ


Москвада шахмат бўйича жаҳон чемпионати бошланди. Кремлда бошланган бу мусо-бака ФИДЕ раҳнамоллигида



ўтказилмоқда. 128 нафар гроссмейстер катнашаётган турнирни халқор шахмат фе-дерациясининг президенти Кирсан Илюмжиров очди. Фа-қат бу гапги чемпионатда мо-ҳир шахматчилар Гарри Ка-с-поров билан Владимир Кра-м-ник катнашишдан бош тор-тишди. Бойси, улар шу кун-ларда Москвада мукофот жамгармаси 500 минг АҚШ долларни бўлган ўз турнирла-рини ўтказишмоқда. Жаҳон че-мпионатида катнашаётган ша-хматчилар орасида эса моҳир дона суриш усталаридан ҳинд Вишванатан Ананд, Россиядан Александр Морозевич, укра-ин Василий Иванчук, инглиз Майкл Адамс ва бошқалар бор. Шунингдек, мукофот жам-гармаси 3 миллион АҚШ дол-ларни қилиб белгиланган ну-фузли бу мусобақада собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан шахмат тожи-га кўп марта давogarлик қил-ган Виктор Корноий ҳам кат-нашади. Мусобақа даври ти-зимда ташкиллаштирилиб, ютказган ўйиндан чиқавера-ди. Ҳал қилувчи финал учра-шуви эса 2002 йилнинг 16-26 январь кунлари бўлиб ўтади.

МАВСУМНИНГ
ЭНГ ЯХШИ
АТЛЕТЛАРИ


Халқоро енгли атлетика фе-дерацияси бу йилги мавсу-минг энг яхши спортчиси деб америкалик Стэйси Драгил билан марокашлик Хишама Эль-Герружни топди. 27 ба-



хорни кўрган марокашлик спортчи Эдмонтонда ўтказил-ган жаҳон чемпионатида 1,5 километрга югуриш бўйича 3 дақиқа 26 сония вақт сарф-лаб, олтин медаль соҳиби бўлган эди. 30 ёшли Драгил эса лангар билан сакрашда 4 метру 81 сантиметрли ба-лондликни эгаллаб, жаҳон ре-корди ўрнатган. Шунингдек, у бахсинг мазкур тури бўйича Эдмонтонда кўксига олтин ме-даль таққан.

АВТОПОЙГА
ГОЛИБИ

Инглиз Ричард Бернс ўтган дам олиш кунни Буюк Брита-нияда ўтказилган жаҳон че-мпионатида муваффақият



қозонди. У охириги босқичда гортанд 3-ўринни эгаллаб 44 очко жамгарлаган бўлса-да, жаби босқичлар бўйича тўплаган натижасига кўра жа-ҳон чемпионати номига сазо-вор бўлди.

ОЛАМДА ДУВ-ДУВ ГАП

ЯРИМ АСРДАН
СЎНГ ҚЎЛГА ТУШДИ

Ниҳий Новгород ҳуқуқ-тар-тибот органи вакиллари то-монидан ярим асрдан буён яшириниб қочиб юрган жино-ятчи қўлга олинди.



Гап шундаки, 1944 йилнинг эзида Владимир Смирнов опаси Мария билан бир хо-надонга ўғирликка тушишди. Лекин ўғирлик босқинчилик-ка айланади. Натижада уй-даги 4 яшар болакай ва унинг онаси нобуд бўлади. Қотил ўғирлар тезда қўлга олинади. Жиноятчи Мария Смирнова отишга ҳукм қилинади, ўша пайтда атиги 16 ёшда бўлган ўқаси эса 7 йилга озодликдан маҳрум этилади. Бироқ бу йигитча қамқондан қочишнинг урдасидан чиқди. Ва ўшандан буён, яъни 56 йилдан бери яшириниб, қочиб юради. Шу йил сентябрь ойидагина уни топишга муваффақ бўлинди. У Ярос-лав вилоятидаги интернатлардан бирида экан.

Бугунги кунда чол бўлиб қолган бу жиноятчи ҳақида тер-говчилар шундай дейишмоқда: бир вақтлар амалга оширган қотиллиги учун очилган жиноий ишни тўқтатиб, ёпиб юбо-ришга ҳеч қандай асос йўқ.

ГЎЗАЛЛИК —
МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Голливуд кинолу-дузларининг муваф-фақиятга эришувида таъқи гўзаллик 90 фоиз роль ўйнаган. Буни таниқли кинолу-дуз Синди Жонсон ҳам тасдиқламоқда. «Муваффақиятларим-нинг асосини ташқи гўзаллигим орқали қўлга киритганман» дейди у. Ҳақиқатан ҳам у кинода гуркираётган пайтда, тўғрироғи, 9 йилда 27 марта пластик операция учун жарроҳ столига ётган. Бунинг учун 100 минг доллар сарфлаган.



Аслида Синди Жонсон Огайо штатида, чўқбақор оила-сида туғилган. 44 ёшли Синди умри давомида 3 марта буришган юзларини таранг қилиб тортирган, буни 2 марта «таъмирланган», тиззалари тўғрилган, шунингдек, қорин ва жағлари ҳам. Бундан ташқари, сонларидан ёғ қатламли-рини «чилдирган», сийналарини эса аввал улканлаштирган бўлса, бир неча йилдан сўнг эса кичиклаштириб, таранг тортирган.

Навбатдаги «Мак-таблар кунин» Кўрғончада ўткази-лишини муовин-нидан эшитган туман ҳоқими РайОНО мудирига билдирмай уч-тўртта билим ўчоғини кўздан кечирмоқчи, мавриди келди дегунча, ундан ишқал топиб роса аламини олмақчи бўлди. Ростанам мудар кейинги пайтларда ҳоқим-га барини ушлат-майдиганга ўхшорди. Ўтказиб қўйгани борми ё оғайним деб қодамини катта ташлаётими?

Ҳоқим олиб келган йўлинг билан... сени, де-моқчидай ҳайдовчига ўқрайиб қарали. Шими по-часини этикчасининг кўнжига тиқиб, якка чўпли кўприкдан аранг ўтди, шўрхок йўлдан тоя-тоя мактаб дарвозасига етиб келди: баракалла, болалар-га! Шунча ердан мактабга эринмай қатнашади-я.

Ҳоқим учинчи қаватга чиққунча уч-тўрт марта на-фасни ростлади. Белига бир нарса бўлди-ёв, нима қиларди партага ўтириб? У кабинетига кираркан ёрдамчисига «РайОНО»ни чақир, деб тайинлади. Бир-пас нафас ростлади ҳамки ёрдамчиси кириб Баҳодир Аҳмедович келганини айт-ди.

ҲОЛВАНИ
ҲОКИМ ЕДИ...

Янги мактаб кураимиз, де-ганимга ҳам тўрт йил бўлди. Эҳ, омон бўлинг, академик! Унинг лақаби «академик». Ҳамиша қичи-маган ерини қашиб юри-ши эвазига орттирган бу «унво»ни. Шу боис ҳоқимлар уни академик деб чақиршади.

— Келинг, меҳмон, ким-да ишингиз бор?

Ҳоқим мени ҳамма тани-са керак, деб ўйлаб юрар-ди. Аммо бугун у панд еди, қоровул чол уни танима-ди-да! Шу боис ҳоқим чо-лга саломни насия қилиб: «Директор қани», — деди. Чол директор йўқлигини, болалар пахта тераётгани-ни айтди. Шундай бўлса-да «академик» мактабни ай-ланиб чиқди...

Дўпписини яримта қўйган РайОНО мудири ҳоқим эшигини оҳишта чер-тиб, «мумкинми Асқар На-симович» дея ичкарига бош суқди. «Академик» унга «ҳап сеними» дегандек қарали-да, ўтиришга жой кўрсатди. Шу пайт телефон жириглади. Мудир эса ял-ял ёниб турган мебелларга, чўгдек пояндозу турфа рангли телефонларга суқ-ланиб, катта телевизорга кўз ташлаб, тепадаги қан-дилга завқланиб боққани-ча, ҳоқимга «муборақ бўлсин» дегандек маъноли қарали. Аммо Асқар Наси-мовичнинг қовоғидан қор ёғарди. Яна телефон жи-ринглади. Ҳоқим телефон-га қўл чўзаркан, «воҳ» деб юборганини мудар пайқа-

ди. Нима бўлди ҳўжайин де-моқчи эди, ҳоқим бошлади:

— Мундоқ мактаблар-га қарасангиз бўлмайдими? Ўзингиз ишлаган мактаб ғирт юзи ялтироқ, ичи қалтироқ экан-ку?! Инвентарлар эскирган, янгишдан эса дарақ йўқ. Ҳомийлар қаёққа қара-япти? Э-э, сал қолди бе-лим синарди!... Қоровул-га келсак...маънавияти паст. Бу нимаси?

— Ҳўжайин, — деб чайналди мудар. Сўнг: —мана булар ўша мак-табга ажратилган маблар эвазига келган-да, — деб ҳоқим хонасидаги жиҳоз-ларни кўрсатди. — Бе-лингизни эса ўзимиз да-волаймиз, хи-хи-хи. Бош ёрилса, дўппи остида де-ганлар...

Ҳоқим анча вақт на-фасини ичига ютди. Сўнг қаламини столга тираб, «ундай бўлса «Мактаблар кунин»га бағишланган маърузани ўзингиз ёзинг, бизда ҳамма раҳбар мак-табга юз бурганини ало-ҳида уқтиринг, хўпми», деди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Баҳодир Аҳмедо-вич ёзган маъруза ўзи-нинг бошига етди. Ҳоқим эса айна пайтда «РайОНО»га янги раҳбар изламоқда...

■ Баҳрон ДАВРОНОВ

BOSH MUHARRIR

Azim SUYUN

TAHRIIR HAY'ATI

- Abdulla ORIPOV
- Abdulhafiz JALOLOV
- Azimjon AYUPOV
- Aziz NOSIROV
- Ashur QODIROV
- Bobir ALIMOV
- Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
- Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona»)
- Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
- Rahima HAKIMOVA
- Tolepbegon QAIPBERGENOV
- Farmon OMONOV
- Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

ЎЗБЕКИСТОН
XALQ
DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY
KENGASHI

BOLIMLAR:

- Siyosat va huquq — 133-44-55
- Iqtisodiyot — 133-76-04
- Ma'naviyat — 133-07-20
- Xatlar va amaliy ishlar — 133-12-56
- Axborot — 136-55-16
- Kotibiyat — 133-72-83
- Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
- Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqqa boshlagan.

VILOYAT
MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-16-16
- Buxoroda — 222-10-92
- Gulistonda — 25-03-80
- Jizzaxda — 5-49-85
- Navoiyda — 3-39-20
- Namanganda — 6-43-43
- Nukusda — 222-70-12
- Samarqandda — 35-20-54
- Toshkentda — 36-53-16
- Urganchda — 226-51-35
- Fargonada — 26-43-62
- Qarshida — 4-61-35
- Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Naybatchi Matnazar ELMURODOV
Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.


Gazeta «Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Omitusida 00004-raqam bilan rixvanga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«Ozbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 3002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA



«Дийдорлашув»



«АРАЛАШ»
ЎЙЛАНМАСИ

ЭНИГА:
1. Диний эътиқод.
3. Тўплаган хазонлар ёқилган, хиёбонни... қоплаган.
5. Тоғнинг боласи.
7. Сўроқни ифололовчи сўз.
8. Судралиб юрвчи жониворлардан бири.
10. Илчи, хизматчи...
12. Жанжал, келиша олмаслик.
13. Беҳуда сарф-харачатнинг... тутмайдими?
14. Оловдан кўтарилаётган ёлқин.
16. Ҳаммаси бўлиб, борйўғи.
19. Айбланувчининг қалқони.
22. Ингичка арқон.
23. Аранг, бир амаллаб.
25. Галантерия моллари билан савдо қилувчи.
27. Узумнинг бир тури.
29. Хушбўй ичимликлардан бири.
31. Уй ҳайвонлари озқаси солинадиган мослама.
33. Чақиряқ, буйруқ, амр аломати.
34. Эси паст одам.
35. Осойишталик, тинчлик.
36. Ота-онаси йўқ бола.
37. Ҳаммадан олдин, дастлаб.
38. Лаззат, роҳат.

БЎЙИГА:
1. «Ишонч» сўзининг архинк ифодаси.
2. Чақиряқ, даъват, садо, овоз.
3. Қурилиш ашёси.
4. Сўйилган қўйнинг тўртдан бир бўлаги.
5. Сехр, афсунгарлик.
6. Мақол, матал.
9. Яхши... ярим мол.
11. Қимматбаҳо, қадрли, камёб.
15. Суякчи, эркатой, ёлғиз фарзанд.
16. Экин йиғиб олинган ер.
17. Тан олмаслик, рад қилиш.
18. Вақтинча фойдаланишга бериш.
19. Душман қўлига тушган аёл.
20. Намуна, ўрнак.
21. Баён этиши, айтиш, кўнгил рози.
24. Дехқончилик иш қуроли.
26. Уста, моҳир, дадил.
27. Нашрлардан бирини олиш учун олинган расмийлаштириш.
28. Енгил от арава.
29. Поезд вагонининг алоҳида хонаси.
30. Ёпишқоқ суякчи.
31. Сувнинг ихтиёрий йўналиши.
32. Билъярд соққаси тушадиган жой.

■ Тузувчи: Мавлуда ИСМОИЛОВА

Йўлдош Охунбоев номи республика тиббиёт билим юрти томонидан 2001 йил 9 июлда 221-сон билан Мўминжоновна Камола Анаваровнага берилган № 450301 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТУФИН -
ҲАМИША ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

Энг катта турфа навлар.
Юксак сифат, мақбул нархлар.

Т.: (998-71) 191-36-48, 191-23-30.
(Факс) (998-71) 191-05-52.
700076, Тошкент шаҳар,
Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179 А

КИМ ҚАНААЙ МАСТ БЎЛАДИ?

«Дурадгор — тахта бўлиб қолади. Ойначи — кўнгли чил-чил эзилади. Этикдўз — патак бўлса, тикувчи — кийкиндидек майдаланади. Ўт ўчирувчи — тутундек эшилади. Овчи — лойхўракдек ҳаракат қилса, ҳайдовчи — руль чамбараги бўп қолади. Футболчи — аутга чиқади. Ошпаз — сосиекадек билкиллади. Бочкасос — бочкадек шишади. Ўрмончи — кўқаради. Мусикачи — шаниллади. Электрик — ўчиб қолади. Математик — ногла тушади. Дўхтир — томир уришини йўқотса, физик — қаршилик кучини йўқотса. Кимёгар — чўкиндидек ўтириб қолади. Ёзувчи — ручканинг сиёхидек котади. Журналист — нуқтасига зўрға етади».



КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ